



LAWYERS IN FORMING PROFESSIONAL ETHICS USE OF THE EASTERN CODE OF ETHICS

Khudoyberdieva Mahliyo Orif qizi ¹

¹ Lecturer at the Samarkand Regional College of Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4732869>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

professional ethics, ethics, lawyer, staff of specialists, spiritual and moral maturity, professionalism, harmoniously developed generation.

ABSTRACT

The article deals with the formation of the professional ethics of young lawyers, the ethical foundations of the legal profession, the use of the Eastern Code of Ethics in the continuous improvement of the professional skills of a lawyer.

ЮРИСТЛАР КАСБ ЭТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚОНА АҲЛОҚ КОДЕКСИДАН ФЙДАЛАНИШ

Худойбердиева Махлиё Ориф кизи ¹

¹ Самарқанд вилоят юридик техникуми ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

касб этикаси, ахлоқий меъёр, юрист, мутахассис кадр, маънавий-ахлоқий етуклик, профессионал маҳорат, баркамол авлод

ANNOTATSIYA

Мақолада ёш юрист касб этикасини шакллантириши, юридик касб вакиллари фаолиятининг ахлоқий асослари, юристнинг касбий фаолиятидаги профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришида Шарқона ахлоқ кодексидадан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Мутахассис кадрлар маънавияти, таълим-тарбияси масаласига тўхталар эканми, таъкидлаш керакки, ҳар бир мутахассис ўзида индивидуал ва ижтимоий-маънавий фазилатлар уйғунлигини қамраб олмоғи лозим, ўз навбатида бу уйғунлик мутахассиснинг билим савияси ва касбий этикасини намоён қилиш омилига айланади.

Умуман олганда, касб этикаси - жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ

қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир [1;Б.29].

Шу маънода, касб этикада жавобгарлик маънавий ва юксак бўлади, яъни хатти-ҳаракатни қоралайди ёки маъқуллайди, ахлоқий баҳо бериш шаклида бўлиб одам аввало англаб олиши,



дилдан қабул қилиши ва бунга мос ҳолда ўзининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиши ва йўналтириши лозим бўлади. Бундай баҳо бериш умумэтироф этилган норма ва тамойилларга, барча томонидан қабул қилинган зарур ва зарур бўлмаган, лойиқ ва лойиқ бўлмаган ва бошқа тушунчаларга мос бўлиши керак.

Биз эътиборимизни қартилган, юристнинг касб этикаси тушунчаси эса ахлоқ, норматив-қадриятлар этикаси иборалари билан бевосита боғлиқ.

Тарихий маълумотларга кўра, давлат хизматчиларининг “Одоб-ахлоқ Кодекси” илк бор Шарқ давлатларида - Японияда VII асрда Сетоку кироли даврида қабул қилинади [2;Б.29].

Бу борада халқаро миқёсда, фақат XX асрнинг ўрталарида давлат мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқига оид халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарори белгиланганидек Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборатдир [3]. Одоб-ахлоқи қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг 31 сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Қадимдан Шарқ халқларининг менталитетида юксак ахлоқийлик тамойилларини ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш масаласи муҳим ўринни эгаллаган. Бу ахлоқий тамойиллар вақт синовидан ўтиши натижасида улар ахлоқий қоидалар кўринишини олиб, кейинчалик бу кишиларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллай бошлади.

Шарқ халқлари маданиятида турли – туманлик кўзга ташлансада, бироқ, ахлоқий қоидаларда ягоналикни кузатиш мумкин. Демак, киши Шарқнинг қайси ҳудудида яшашидан, қайси динга эътиқод қилишидан ва қайси тилда сўзлашишидан қатъий назар ягона мазмунга эга бўлган ахлоқий қоидаларга амал қилган.

Айни шу маънода, Шарқона ахлоқ кодекси бугунги кун авлодни маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ўзига ҳос муҳим дастур амал вазифасини ўтайди.

Шарқ халқлари томонидан инсоннинг инсонга, табиат, дин ва дунё, моддий ва маданий неъматларга, руҳий ва жисмоний ҳиссиётларга муносабатида маълум тартибга солинган меъёрларни ифодаловчи тушунчадир. Хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, хушахлоқлик, боадаблик, ота-онага, устозларга ҳурмат-эҳтиром, хушмуомалалик, очиқ юзлилик, вазминлик, камтарлик, ваъдага вафодорлик, тўғрисузлик ва ш.к. маънавий талабларнинг Шарқнинг турли-туман халқлари маданиятида яққол кўзга ташланиб туриши Ғарб дунёсида Шарқона ахлоқ тушунчасининг шаклланишига олиб келган. Шунингдек, Шарқ халқлари тарихини турли томондан ўрганувчи



мутахассислар ҳам Шарқда ахлоқ масаласига қадимдан жуда катта эътибор қаратилгани ва асрлар мобайнида бу соҳада эришилган натижалар бутун инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшганини таъкидлайдилар.

Бу борада Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдиради: “Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифқат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз” [4]. Чунки, давлатимизнинг демократик

сиёсатидаги устувор вазифалардан бири ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялаш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтишиш мумкинки, юристлар касб этика меъёрларининг пухта тизим сифатида шаклланиши пировард оқибатда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади. Шуни унутмаслик керакки бугунги замон талабига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассис-кадрларнинг ҳар бири инновацион фаолият юритиш, ўз олдидаги мақсадга эришиб маррани забт этишга лойиқ бўлсагина сифат ва самарадорликни қафолатлайди.

Шундай экан, келажак тақдири бугундан бошланишини, ёшларимиз миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, дунёвий билимлардан хабардор, маънавий баркамол бўлиб вояга етишларига ҳар биримиз масъул эканлигимизни англаш давр талабидир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Исмаилов Б.И. Юристинг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-Б.21
2. Исмаилов Б.И. Юристинг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-Б.29
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМ 62-сон Қарори [//https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=2911869](https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=2911869)
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.-Б.117-118.
5. Alikulov, X., Naqqulov, N. Q. Spiritual maturity and philosophical thinking dependence of development // ISJ Theoretical & Applied Science 04(84) 2020. Pages: 164-167.
6. Ҳаққулов Н.Қ. Сиддикий-Ажзий маърифатпарварлик қарашларида миллий толерантлик масаласи // НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ. -2020. - №10. –Б.296-302.
7. Haqqulov N.Q. Perfect generation - personality of private education and humanity facilities // "МИРОВАЯ НАУКА" международное электронное научно-практическое периодическое издание. -2019.- №2(23). - С.62-63
8. Сафаров А.И., Ҳаққулов Н.К. Свойственные качества совершенному человеку в суфизме // Современная наука как социально-политический факторразвития государства: материалы международной научно практической конференции (10 мая 2019г., Москва) Отв. ред. Зарайский А.А.– Издательство ЦПМ «Академия Бизнеса», Саратов 2019. С. 48-50.
9. Ҳаққулов Н.Қ. Сиддикий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари// Falsafa va Hayot | Философия и Жизнь || Philosophy and Life. - 2020.- №SI-2Б. –Б.162-171.